



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 6 август, № 159 (9054)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИШОНЧЛИ ЯНГИ ТРАНЗИТ ЙўЛАКЛАРИ ВА ЛОГИСТИКА ИНФРАТУЗИЛМАСИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг таклифига биноан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси тadbирларида иштирок этиш учун 4-5 август кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 5 август куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш масалаларига бағишланган махсус тadbирда иштирок этди.

Tadbirда Туркман халқининг Миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғиз Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси — Президент Администрацияси раҳбари Адилбек Қасималиев, Озарбайжон Республикаси Бош вазири Али Асадов, шунингдек, расмий делегациялар аъзолари ва жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Тошкент шаҳрида бўлажак Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувига тайёргарликнинг асосий жиҳатлари қўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг

ушбу форматдаги раислиги доирасида биргаликда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди. Хусусан, йил бошида Раислик концепцияси ва Қўшма тadbirlar режаси қабул қилинди.

Хавфсизлик кенгашлари котиблари, махсус хизматлар раҳбарлари, саноат, энергетика, сув ҳўжалиги ва экология вазирларининг учрашувлари, медиа ва ёшлар форумлари ўтказилди.

Йил якунига қадар парламентлараро форум, мудофаа, савдо ва транспорт вазирларининг учрашувлари, маданий-гуманитар тadbirlar ўтказилиши режалаштирилган.

Минтақавий шерикликнинг янги кун тартибини шакллантириш ва унинг норматив-ҳуқуқий асосларини мустақамлаш мақсадида учрашувнинг концептуал ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Тошкент саммити доирасида Ўзбекистон томони сиёсий мулоқотни чуқурлаштириш, иқтисодий кооперациянинг янги драйверларини ишга туши-

риш, чегараолди савдони қўпайтириш бўйича қатор ташаббусларни илгари суриш ниятида экани таъкидланди. Сув ва энергетика соҳаларида, транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқликини кенгайтириш ҳамда иқлим ўзгариши бўйича амалий ҳамкорлик масалалари диққат марказида бўлади.

Озарбайжон томонининг учрашувларда иштирок этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Бугунги кунда минтақа давлатлари Озарбайжон билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Савдо, транспорт, “яшил” энергетика соҳаларида қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Президенти сўзининг якунида Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро мувофиқлаштирилган ва келишилган ёндашувлари минтақада тараққиёт ва фаровонлик мақсадларига эришишга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган

ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференцияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркменистоннинг “Ҳамкорликини ривожлантиришга қўшган хиссаси учун” орденини тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Туркман халқининг Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовга, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва қардош туркман халқига юксак давлат мукофоти учун қўқур миннатдорлик билдирди.

— Ушбу мукофотни Ўзбекистон ва унинг қўп миллатли халқига алоҳида эътибор ва ҳурмат, Марказий Осиё минтақасида дўстлик, яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва шериклик муносабатларини мустақамлаш борасидаги умумий сазй-ҳаракатларининг эътирофи сифатида қабул қиламан, — деди давлатимиз раҳбари.

Бой тарихий тажриба, қардошлик ва

ўзаро ҳурмат аънааларига асосланган Ўзбекистон — Туркменистон стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда муҳим иқтисодий ва гуманитар лойиҳалар амалга оширилди, ўзаро савдо ҳажми ва кооперация қўлами кескин ошди.

Ўзбекистон етакчиси Арқадаг ва минтақанинг барча давлатлари раҳбарлари Марказий Осиёда ҳамкорлики илгари суришга улкан ҳисса қўшаётганини алоҳида қайд этди. Бугун бутун халқро ҳамжамят минтақавий шериклик ва ўзлигининг янги моделини барпо этишдаги умумий мувафқиятларимизни эътироф этаётгани таъкидланди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари юксак мукофот учун яна бир бор миннатдорлик билдириб, қардош туркман халқини шу кунларда ўтаётган БМТ конференцияси билан таъриклади ҳамда жорий йил декабрь

ойида Ашхобод шаҳрида Халқаро тинчлик ва ишонч йили доирасидаги глобал саммит мувафқиятли ўтишини тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманбoши шаҳридаги “Аваза” миллий туризм ҳудудида ўтган БМТнинг Денгизга чиқиш имкони бўлмаган ривожланаётган мамлакатлар бўйича учинчи конференциясида иштирок этди.

Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов раислигида ўтган тadbirда БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, шунингдек, бошқа қатор давлат ва ҳўкуматлар, халқро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳам иштирок этди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДЕНГИЗГА ЧИҚИШ ЙўЛИГА ЭГА БўЛМАГАН РИВОЖЛАНАЁТГАН МАМЛАКАТЛАР БўЙИЧА УЧИНЧИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Авваламбор, Туркменистон Президенти хурматли Сердар Гурбангулиевич Бердимухамедовга ва Туркменистон халқининг Миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси ҳурматли Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедовга самимий қабул ва бугунги конференцияни юксак даражада ташкил этганлари учун чин қалбимдан миннатдорлик изҳор этаман.

Ушбу форумнинг Туркменистон ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан эълон қилинган Халқаро тинчлик ва ишонч йилида, Каспий мўҳйизаси — гўзал Авазада ўтказилаётгани раъсий маънога эга.

Ўзбекистон қардош Туркменистоннинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, глобал ва минтақавий барқарорлик ҳамда фаровонлики таъминлашга қаратилган сазй-ҳаракатларини юқори баҳолайди ва қатъий қўллаб-қувватлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанoбларига денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг муаммоларини устувор халқаро масала сифатида илгари суришга шаҳсан эътибор қўрсатиб келалётгани учун алоҳида ташаккур билдирмаман.

Биз Аваза сиёсий декларациясини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз ва ун йиллиқ Ҳаракатлар дастурини амалга оширишда фаол иштирок этамиз.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Бугунги конференцияда муҳокама қилинаётган масалалар барчамиз учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз денгиз коммуникацияларига факат бир неча давлатлар ҳудуди орқали чиқиши мумкин. Биз учун деярли уч минг километр масофада жойлашган портлардан географик опислик бир қатор объектив муаммоларни вужудга келтирмоқда. Булар — юқори тарифлар, транспорт йўлаклар-

ри ва инфратузилмаларнинг ўтказиш имконияти чеклангани, шунингдек, бошқа давлатларнинг божхона-транзит сиёсатида боғлиқликда намоён бўлмоқда.

Жаҳон банки маълумотларига кўра транспорт харажатларининг катталиги ва транзит тизимининг беқарорлиги туфайли Марказий Осиё минтақаси ҳар йили яқли ички маҳсулотнинг икки фоизигача йўқотмоқда. Логистика харажатлари маҳсулотлар умумий нарҳида 60 фоизгача етмоқда. Бу рақам жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан бир неча баробар юқоридир.

Шу боис ишончли янги транзит йўлакларини ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш Марказий Осиёда барқарор тараққиётнинг муҳим омилига айланмоқда.

Бугун бизни бирлаштирган кун тартиби фундаментал масала — адолат масаласига дахлдирди. Бу — денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган давлатларга жаҳон иқтисодиётида тенг шароитларда иштирок этиш имкониятини таъминлашдир.

Бу ўта долзарб вазифани ҳал этиш учун урта принципиал шартни бажариш лозим. Булар — барқарор ривожланиш асоси сифатида инфратузилмани модернизация қилиш, транзит муаммоларини бартараф этиш мақсадида ўзаро боғлиқликини кучайтириш, глобал тенг ҳўқуқликнинг муҳим элементи бўлган ривожланиш ҳўқуқини таъминлашдир.

Шу мақсадда Ўзбекистонда сўнгги йилларда, хусусий секторни фаол жалб этган ҳолда замонавий транспорт-логистика тармоқларини барпо этиш бўйича тизимли қадамлар ташланганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Мамлакатимиз логистика очиклиги ва шаффофлиги масалаларида юқори динамика кўрсатмоқда. Савдо-транспорт жараёнларини рақамлаштириш борасида комплекс чора-тadbirlar амалга оширилмоқда.

Иқтисодиётда тузилмавий ислохотлар, сав-

до тизими либераллашгани ва инвестиция муҳити тудан яхшиллангани салмоқли натижалар бермоқда. Рақобатбардошлик ошди, инновацион тараққиёт тезлашди.

Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва шериклик янги даражага кўтарилгани эса жадал ўзгаришларга кучли туртки бермоқда.

Хозирги кунда минтақамизда ягона транспорт-логистика макони шаклланмоқда. Марказий Осиёни Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги тўлақонли транзит ҳабиға айлантириш учун дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда ўзаро савдо ҳажми 4,5 марта, сармоялар эса икки баробар ўсди. Қўшма корхоналар сони беш қарра қўпайди.

Жорий йилда ҳамкорларимиз билан бирга Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишига киришди. Ўзбекистон — Туркменистон — Эрон — Туркия транспорт йўлига юк ташин ҳажми сезиларли даражада ўсди.

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Бугун умумий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтиш бўйича аниқ, амалий ва институционал жиҳатдан таъминланган қарорлар ўта муҳимдир.

Шу муносабат билан Ўзбекистон қуйидагиларни таъкиф этади.

Биринчидан, халқаро транспорт йўлакларини ва инфратузилмасини жадал ривожлантириш учун мувофиқлаштирилган ҳаракатлар зарур.

Биз Ўзбекистон — Афғонистон — Покистон темир йўлини қуриш лойиҳасини тайёрлаш ва амалга оширишни тезлаштириш тарафдоримиз. Ушбу истиқболли йўлакни қурилайтган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўл магистрали билан боғлаш кенг минтақамизда янги савдо-иқтисодий макон ва барқарор транспорт инфратузилмасини шакллантириш учун катта имкониятлар очади.

Биз, шунингдек, Ўрта йўлакни ривожланти-

ришга устувор аҳамият қаратамиз. Уни тўлиқ ишга тушириш учун, биринчи навбатда, келишилган транзит сиёсати, тартиботларни соддалаштириш ва контейнерларда юк ташин учун мақбул тарифларни жорий этиш муҳимдир.

Иккинчидан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Транзит қафолатлари тўғрисидаги глобал битимни ишлаб чиқишни таъкиф этамиз.

Бундай механизм портлар ва коммуникациялардан адолатли фойдаланиш шартларини таъминлайди, юк ташинда хавф-хатарларни пайсайтеиради, глобал логистикада тенгсизликини қамайтиришга хизмат қилади.

Учинчидан, йирик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш учун мослашувчан инвестиция воситаларига талаб тобора ўсиб бормоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун зарур бўлган сармоялар йўлига қарийб 40 миллиард доллар деб баҳоланмоқда.

Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг логистика интеграциясига қўмаклашиш жамғармасини таъсис этишни таъкиф этамиз. Ушбу жамғармага донор мамлакатлар, халқаро ривожланиш институтлари ва глобал дастурлар ресурсларини кенг жалб этиш мақсадаги мувофиқ.

Тўртинчидан, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатларнинг Заифлик глобал индексини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сураамиз.

Бу мамлакатларимизнинг транзит борасида чекланган имкониятларини ҳолис қўриб чиқиш ва мавжуд шароитлардан келиб чиқиб халқаро молиявий-техник дастурларни кенгайтириш ва ресурсларини самарали тақсимлашнинг таъсирчан воситасига айланади.

Энг асосийси — ушбу индекс мамлакатларимизнинг рақобатбардошлиги ва ишбилармонлик муҳитини адолатли баҳолашда ҳисобга олиниши керак.

Бешинчидан, Ўзбекистонда агротармоқни ривожлантириш учун Инновацион ҳабни яратиш бўйича тақлифимизни амалга ошириш принципиал аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Маъкур ҳаб мослашувчан агротехнологияларни таътиб этиш, сувни тежаш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга оид инновацион лойиҳаларини илгари суриш, ўзаро билим ва тажриба алмашишга хизмат қилади.

Олтинчидан, умумий таҳдидларни биргаликда бартараф этиш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқишга мамлакатларимиз етакчи экспертлари ва “ақл марказлари”ни фаол жалб этиш муҳим.

Бу борада халқаро анжуман ва давра суҳбатлари ўтказишни таъкиф қиламиз. Бундай тadbirlar кун тартибига глобал ишлаб чиқариш занжирларига мамлакатларимизнинг чуқур интеграциясини таъминлаш, сунъий интеллект ва рақамли технологияларни жадал ривожлантириш, трансчегаравий инвестицияларни кенгайтириш ва стартапларни қўллаб-қувватлаш масалаларини киритиш мумкин.

Ўзбекистон, шунингдек, денгизга чиқиш йўлига эга бўлмаган мамлакатлар учун Халқаро таҳлил маркази фаолиятига қўшилиш ниятида.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Глобал бозорларга чиқиш барча учун тенг бўлиши керак. Бу — нафақат иқтисодий зарурат, балки биринчи галда, барқарор ривожланишнинг муҳим омилли, халқаро муносабатларда ишонч ва ҳамкорлик шартидир.

Ўзбекистон глобал тараққиётнинг янада адолатли архитектурасини шакллантириш борасида конструктив ва узоқ муддатли шерикликка доим очик ва тайёр эканини сизларга яна бир бор билдирмоқчиман.

